

Учтепа туманида жойлашган «Кўкча Оқтепа» жомеъ масжидининг очилиш маросими ўтказилди



17:53 / 24.03.2022 1508

Юртимизда масжидлар сони яна биттага кўпайди. Бугун, 24 март кuni Тошкент шаҳар Учтепа туманида жойлашган «Кўкча Оқтепа» жомеъ масжиди янги биносининг очилиш маросими ўтказилди. Бу ҳақда Ўзбекистон муслмонлари идораси матбуот хизмати хабар берди.

Маросимга Ўзбекистон муслмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла ҳазратлари ташриф буюрдилар.

Рамазон ойига муносиб тухфа бўлган масжиднинг очилиш маросимида муфтий ҳазратлари масжидни қайта бунёд этишда хизмат қилган қурувчилар, ҳашарчилар, меъморлар ва ҳомийларга ҳақиқа дуо қилдилар.

Муфтий Нуриддин домла пешин намозини жамоат билан адо этгач, мўмин-муслмонларга маърифий суҳбатлар қилиб бериш асносида масжид қуришнинг аҳамияти ҳақида сўз юритиб, «Ким Аллоҳ таоло учун бир

масжид қурса, Аллоҳ унинг учун жаннатда бир уй қуради», (Имом Муслим ривояти), деган мазмундаги ҳадиси шарифни шарҳлаб бердилар.

Шу билан бирга муборак Рамазон ойига тайёргарлик кўриш ҳамда Рамазон умра зиёрати бўйича қилинаётган ишлар бўйича ҳам сўз юритдилар.

Янги барпо этилган масжид маҳалла аҳлининг саховатпеша инсонлари ва ҳашар йўли билан икки йилда қайтадан бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Масжид хонақоҳ ва ертўла қисмларидан иборат бўлиб, 2000 нафар намозхонни сиғдира олади. Замонавий жиҳозлар билан жиҳозланган масжидда барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, хусусан, иссиқлик ва совутиш тизимларидан тортиб, маъмурият хоналари, замон талабига мос таҳоратхоналар, кутубхоналар намозхонлар учун тайёрлаб қўйилди. Масжиднинг олд ва орқа қисмидаги 35 метрлик 4 та минора унга ўзгача файз бериб турибди.